



## Ў FORMATION OF ARTISTIC AND AESTHETIC CONTENTS IN STUDENTS KCOGNITIVE PERCEPTION

Ж.О.Шомуродов

Pedagogical Disciplines Of Uzbekistan Named After Tn Qori  
Niazi Phd Student Of The Research Institute

### Annotation:

The article examines the mechanisms of the development of the ability to cognitively perceive educational materials of artistic and aesthetic content. Also presented are scientific findings on the mechanisms of the development of cognitive perception.

### Keywords:

Cognitive, quick wits, aesthetic outlook, didactics, artistic aesthetic education.

Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, ёшларимиз қалби ва онгига маънавий тарбиянинг чуқур сингдирилганлиги, уларнинг ҳар тамонлама етук шахс бўлиб камол топиши, миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, комил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунингдек, « Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон қарорининг 2017-2021-йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексининг VI-бандида «Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий такомиллаштириш натижадорлигини ошириш» алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўқув материалларини қабул қилиш ўқувчининг ақлий-хиссий тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Ўқув материални англаш уни самарали ўзлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ўқув материалларини когнитив қабул қилиш лаёқатини ривожлантириш дидактиканинг устивор масаласи ҳисобланади.

Когнитив сўзи “Педагогика” энциклопедиясида “лотинча *cognitio* – идрок этиш, билиш маъноларини ифодалаб, инсоннинг мустақил билиш ва ижодий фикрлаш жараёнини ифодаловчи атама”<sup>[1]</sup> тарзида талқин этилган.

Когнитив қабул қилиш эса муайян нарса-ҳодисани идрок этган ҳолда унинг мазмун моҳияти устида ижодий фикрлаб, қабул қилишни англатади. Ўқув материалларини когнитив қабул қилиш ўқувчиларнинг уларни идрок этган ҳолда ижодий, ақлий-интеллектуал ва ҳиссий жиҳатдан ёндашиб, қабул қилишини англатади. Санъат асарлари ҳақидаги маълумотларни бу тарзда қабул қилиш натижасида ўқувчиларнинг интеллектуал ва билиш фаолиятлари ривожланиб, ижодий лаёқатлари, диди, эстетик дунёқараши ҳамда санъат намуналарини англаш лаёқати ривожланади. Бу эса ўқувчиларда миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларнинг шаклланиши учун асос яратади.

Ўқув материаллари ёрдамида ўқувчилар ўзбек халқининг кўп асрлик санъати намуналари билан яқиндан танишишга муваффақ бўладилар. Уни чуқур идрок қилиш орқали ўқувчиларнинг хиссий олами бойийди. Ушбу муаммо кўп асрлар мобайнида тадқиқотчилар, мутахассисларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Мусиқий асарларнинг беқиёс таълимий-тарбиявий аҳамиятга эгаллигини буюк мутафаккирлар Абу Наср Фаробий, А.Навоий, З.М.Бобур, А.Фитрат, Чангий, Мароғий кабилар таъкидлаб ўтганлар. Ушбу йўналишда республикада хорижий олимлар ҳам бир қатор тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

<sup>1</sup>Педагогика энциклопедияси. II жилд./ тузувчилар: жамоа. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2015. -376 бет.

Ўқув материаллари ўқувчиларни санъат ва маданият асослари билан таништириш орқали уларнинг маънавий-эстетик оламини бойитиш билан бир қаторда халқнинг кўп асрлар давомида кечирган турмуш тарзи, тарихий воқелик, урф-одатлар, анъаналар, панд-насихатлар билан таништиришга ҳам хизмат қилади. Бадий-эстетик мазмундаги ўқув материаллари ёрдамида ўқувчиларнинг зехнини чархлаш, сўз бойлигини ошириш, матн мазмунини тушуниш, қўшиқ ва ашулалар матнида ифодаланган асосий ғояни илғаб олиш кўникмалари ривожланади. Мазкур материаллар ўқувчиларни бадий-эстетик руҳда тарбиялаш имкониятига ҳам эга. Бундай ўқув материалларини қабул қилиш ва самарали ўзлаштириш ўқувчилардан когнитив лаёқатга эга бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда бадий-эстетик мазмундаги ўқув материаллари ўқувчиларнинг эстетик лаёқатини ривожлантиришга хизмат қилади.

“Ўқув материали – ўзида муайян ўқув фанига оид ўқув маълумотлари, билимлар, тушунчалар, ахборотларни мужассамлаштирган дидактик бирликни ифодаловчи тушунча”<sup>[2]</sup> бўлиб, ўқувчиларга тизимли тарзда тақдим этилади.

Бадий-эстетик мазмундаги ўқув материаллари асосан мусиқа таълими, тасвирий санъат, адабиёт дарсларида ўқувчиларга тақдим этилади. Бундай материаллар билан ўқувчилар мустақил билим олиш жараёнида синфдан ташқари педагогик тадбирлар давомида ва тўғарак машғулотида ҳам танишадилар. Уларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа бўйича билимлар, ахборотлар, тушунчалар, тарихий ёндашувларни тақдим этишга хизмат қилади. Бу жараёнда таълим олувчиларнинг ўқув материалларини когнитив қабул қилиш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратилади. Натижада уларнинг ўқув материалларини идрок этиш, ақлий билиш имкониятлари, бадий эстетик тасаввурлари, мантикий ва ижодий фикрлаш жараёнлари тизимли тарзда ривожланади. Шунга кўра, ўқувчиларда бадий-эстетик мазмундаги ўқув материалларини когнитив қабул қилишни шакллантириш педагогиканинг ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолари сирасига киради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони //“Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.
2. Педагогика энциклопедияси. II жилд./ тузувчилар: жамоа. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2015. -376 бет.
3. Педагогика энциклопедияси. III жилд/ тузувчилар: жамоа. \_ П 29 Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. \_424 бет.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси: умумтаълим мактаблари учун.- Т.: Ўқитувчи, 1996.- 192 б.

<sup>2</sup>Педагогика энциклопедияси. III жилд/ тузувчилар: жамоа. \_ П 29 Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. \_424 бет.